

## «Китоб – камолот калити» илмий-маърифий китоблар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда



14:28 / 07.04.2022 2509

2022 йил 7-8 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуаси майдонида «Китоб – камолот калити» номли илмий-маърифий китоблар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистондаги Ислом цивилизасияси маркази ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда юртимизда фаолият олиб бораётган бир қатор нашриётлар, босмахоналар ва китоб дўконлари илмий, маърифий ва бадий китоблари билан иштирок этмоқда. Хусусан, ушбу кўргазмада «Hilol-nashr» нашриёти ҳам қатнашмоқда.

Юртимизда бу каби тадбирларнинг анъанавий тарзда ўтказилиши ёш авлодда китоб ва илмга бўлган муҳаббатнинг ортишига, китобхонлар кўламининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Марҳамат сиз ҳам кўргазмага ташриф буюринг!